



# MILLIY TIKLANISH

13 (282) ● 2014 йил 26 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**ЎзМТДП ташкилотларида**  
**Изчил изланиш**  
 фаолиятимиз мезонига айлансин

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдаги йиғилишида партия вилоят Кенгашининг 2013 йил ҳисоботи ҳамда 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ҳисоботи, шунингдек, партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди. Партия раҳбари истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, икки палатали парламентни вужудга келтириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳамда сиёсий партияларнинг вазифа ва вазокатларини кенгайтиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Шунингдек, нотик Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган жўлсалар, бу борада партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари олдига турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган йили ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгашидаги барча даражадаги партия ташкилотлари томонидан бир мингдан ортиқ тадбир ташкил этилди. Бу ўтган йилга нисбатан 411 тага кўпдир. Ушбу тадбирларда 100 мингдан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Айни шу соҳадаги фаолиятни туман кенгашлари мисолида таҳлил қиладиган бўлса, партия Урганч шаҳар Кенгаши 145 та, Хива туман Кенгаши 105, Хонқа туман Кенгаши 105 та тадбирлар ташкил қилиб, жамоатчиликни партия гоёси билан яқиндан таништириш ва шу орқали хайрихоҳларимиз сафини кенгайтиришга эришган. Натижада партия аъзолари сони 2013 йилга нисбатан 1 минг 139 нафарга кўпайиб, 14 минг 973 тани ташкил этди.

Йиғилишда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи фаолияти ҳам атрафлича муҳокама этилди. Таъкидланганидек, партия гуруҳи томонидан ўтган йил давомида ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда, депутатлик ваколати доирасида фойдаланмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Шу боис йиғилишда партия гуруҳининг фаолияти танқидий таҳлил қилинар экан, келгусида депутатларнинг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик ва ташаббускорлигини ошириш, қўйи бўғинлар билан доимий мустаҳкам алоқада бўлиш каби вазифалар белгиланди. Шунингдек, йиғилишда кун тартибидagi партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам атрафлича муҳокама этилди.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг йиғилишида ҳам партия фаолиятига оид қатор масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Конституцияимиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда партия фаолиятини янги bosқичга кўтариш, депутатлик бирлашмалари фаоллигини кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан усулларини излаб топиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, ўтган йили барча даражадаги партия ташкилотлари томонидан 1 минг 57 та тадбир ташкил этилиб, уларда 44 мингдан ортиқ фуқаро иштирок этган. Бу кўрсаткич 2012 йил билан солиштирилганда 297 тага кўп. Ўтган йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси томонидан 16 та депутатлик сўровлари амалга оширилган. 3 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган. Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан 20 та депутатлик сўровлари амалга оширилиб, 7 нафар мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланган. Доимий комиссиялар йиғилишларига 5 та таклиф олиб чиқилган.

Йиғилишлар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Буюк аجدодларимизга эҳтиром кўрсатиш, миллий меросимизни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда уни ёшларга ўз ҳолича етказиш авлодларнинг муқаддас бурчидир

**3** ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Канада сиёсий майдонида кўплаб сиёсий партия фаолият кўрсатаётган бўлса-да, айнан изчил саъй-ҳаракатлар, сайловлардаги фаоллик асосан икки сиёсий партия ўртасида кечади

**7** ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Бугун юртимиздаги мавжуд театрлар сахна санъатининг барча илғор йўналишларини қамраб олган. Улар орасида Ўзбек Миллий академик драма театрининг ўзига хос ўрни бор

**8** КўЗГУ



## Муносабат

### Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

*Ўлкамизда баҳор нафаси кезмоқда, қалбларимизда баҳорий илиқлик, кўтаринки кайфият ҳужмрон. Бугун кўкдам шуқуҳи ила ҳаётга бўлган интилишимиз янада кўркам тус олиб, дилларимиз меҳру саховатдан, яшариши ва янгилаши айёмидан баҳра олмақда. Баҳор келиши, табиат уйғониши билан юртимизда асрлар силсиласида сайқалланиб келаётган анъаналар, миллий қадрият ва урф-одатларимиз кўзгуси бўлган Наврўзи олам шодиёналари юртимизнинг ҳар бир гўшасида катта тантана билан кутиб олинади.*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрамида давлатимиз раҳбарининг бутун халқимизга йўллаган байрам табригини тинглаб, қалбларимиздаги байрамона кайфият янада кўтаринки тус олди. Инсон кадр-қиммати юксак, халқи эъзоз ва эътиборда бўлган жаннатмакон юрда яшаётганимиздан яна бир бор фахр-ифтихор ҳиссини туйдик. Дарҳақиқат, Наврўз миллий-лигимизни ўзида намоён этиши билан ҳар биримизнинг қалбимизга яқиндир. Азал-азалдан меҳр-мурувват, оқибатлилик тантанаси ҳисобланган, эзгуликка йўғрилган бу қутлуғ байрам эл-юртни бирлаштиради, яхшиликларга бошлайди.

**2-бет**

## ЎзМТДП дастури — амалда

# Банк кредитлари — оилавий тадбиркорлар ва хунармандларга

**Фарғона қадимдан хунармандлар маскани деб эътироф этилади. Истиқлол йилларида ҳудудда миллий хунармандчиликнинг барча турлари янада ривож топиб, қадриятларимиз давомчилари учун кенг шароит ва имкониятлар яратилди. Бугун хунармандларимиз томонидан яратилаётган ноёб мўъжизакор маҳсулотлар нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижликларнинг ҳам ҳайрату ҳавасини ортирмоқда.**

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шоғирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифани амалга оширишда партиянинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси доирасидаги амалий семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Хунарманд" уюшмаси ҳамда партия Фарғона вилоят Кенгаши ҳамкорлигидаги "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мав-

зусидаги семинарнинг навбатдагиси Қўқонда ўтказилди. Семинарда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ЎзМТДП Қўқон шаҳри, Бешарик, Ўзбекистон, Фурқат, Данғара, Учкўприк туман Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбир аввалида миллий қадриятларимиз давомчилари томонидан яратилган маҳсулотлар ҳамда банк хизматларини тарғиб қилувчи кўргазма ташкил этилди. Семинарда ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Абдусаттор Мирсаидов "Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш — ЎзМТДПнинг устувор вазифаси" мавзусида маъруза қилди.

**2-бет**

## Партия ҳаёти

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси олдига турган устувор вазифалар ҳамда партия фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

# Ижроия Қўмита йиғилиши

устувор вазифалар муҳокама қилинди

**4-бет**

## Муносабат

Хар кунимиз  
Наврўз  
бўлсин!(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Шу боисдан хар бир оила аъзоси, ёшу қари Наврўзни хурсандчилик билан кутиб олади. Президентимиз таъкидлаганларидек, аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради. Бу халқимизнинг тинчликсеварлигидан, саховатпешалигию меҳр-муруватлигидан далолатдир.

Мамлакатимизнинг ана шундай фидойи, жонқуяр, Ватан ва инсонлар тақдирига бефарқ бўлмаган фуқароларини билартирган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз олдига қўйган мақсад-муддаолари моҳиятига кўра Наврўз билан муштаракдир. Зеро, партия сайловолди Платформасида маънавий кадрларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш асосий мақсад-вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу мақсад-вазифалар ЎзМТДП ташкилотлари томонидан, партия гуруҳлари аъзолари иштирокида ташкил этилаётган тадбир ва сайларда ўз аксини топмоқда. Миллийлигимиз кўзгуси бўлган Наврўзи олам барчамизга қутлуг келиб, юртимизга тинчлик-осойишталик, ҳонадонларимизга файзу барака улашаверсин.

**Биродар ЮСУПОВ,**  
халқ депутатлари Андижон вилоят  
Кенгашига ЎзМТДПдан  
сайланган депутат

\* \* \*

Давлатимиз раҳбарининг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригини тинглаб, шу юртда яшаётганимдан яна бир бор ғурурландим. Дарҳақиқат, халқимизнинг қадимий байрамларидан бўлмиш Наврўзи олам миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни ўзида тўла намён этиши, кишилар қалбида шукроналик, эзгулик, бирдамлик, саховатпешалик туйғуларини мустаҳкамлаши билан қадрийдир. Эътироф этиш лозимки, ушбу айём муносабати билан ўтказиладиган улоқ-қўпқари, кураш сингари миллий ўйинларда миллатидан қатъий назар барча бирдек катта завқ ва иштиёқ билан иштирок этади. Бундай серфайз, қутлуг кунларда кекса ота-хон-у онахонларимиз қўлларини дуога очиб, йилнинг халқимиз учун қут-баракали, тўкин-сочин келишини тилайдилар. Ушбу шодиёна кунларда хар қандай гина-қудратлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Президентимизнинг жорий йил 24 февралдаги "2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эзгулик ва яшариш айёмига муносиб тайёргарлик кўриш ва уни кўтаринки кайфият билан нишонлашга асос бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, "Хар кунимиз Наврўз бўлсин!" деган ғоя асосида жойларда халқ сайллари ўтказилмоқда. Хусусан, халқимизнинг қутлуг байрами Навойи вилоятида ҳам катта шодиёна билан қарши олинди. Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ёшлар, ёши улуг отахону онахонлар Наврўз шодиёналарида фаол иштирок этди.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида маънавий кадрларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Наврўзнинг миллий қадрият ва анъаналаримизнинг бардавонлигини сақлашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан вилоятимиз бўйлаб қатор тарғибот тадбирлари, миллий таомлар кўргазмалари, халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Боқий кадрларимиз муҳассам бўлган айём муносабати билан ташкил этилаётган тантаналар партияимиз фаолларига кўтаринки кайфият бағишламоқда.

**Лочин ОБЛОКУЛОВ,**  
ЎзМТДП Навойи вилоят Кенгаши  
Ижроия Кўмитаси раиси

**Мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларга оид сиёсатнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур Қарорда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ёшларнинг иштирокчини янада кенгайтириш, хар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган амалий ишлар ўз аксини топган. Хусусан, унда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиш назарда тутилган.**

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёш авлодни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган. Жумладан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, болаларнинг бепул таълим олиши, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга қатор имтиёзлар бериш масалалари ҳал этилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ёшлар ва болаларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокчини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш каби муҳим вазифалар акс этган. Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари мамлакатимизда болаларга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ҳолатини тушунтириш, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларида муҳокама этиш ташаббуси билан қиқши мазкур йўналишдаги ишларини янги босқичга кўтариши талаб этилади.

Партия ташкилотлари Президентимизнинг "Соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир" деган фикрлари асосида, шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари" ғоясига асосланган ижтимоий лойиҳани янада такомиллаштирган ҳолда фарзанднинг шаклланишида оиланинг ўрни беқийёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва қадриятларини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни кенгроқ ташкил этиши лозим. Бунда юксак маънавиятли оилани шакллантириш учун шарт-шароитларни мустаҳкамлаш ва уларда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, оила, мактаб, маҳалланинг фарзандлар тарбиясига эътибори ва ғамхўрлигини янада кучайтириш зарур. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, меҳнат билан бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали оилада моддий ва маънавий муҳитни янада яхшилаш, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш каби йўналишлардаги вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади.

Эътироф этиш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёш авлодни хар томонла-

## Баркамол авлод

Эртаимиз эгаларига  
бугуннинг эътибори

ма баркамол қилиб тарбиялашга кўмаклашиш сингари вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" томонидан қатор лойиҳа ва форумлар ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида", "Озод юртининг обод гўшаси", "Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" каби лойиҳалар, "Спорт маликалари", "Миллий халқ ўйинлари" ва бошқа мусобақалар ёшларни жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун хар томонлама қўллаб-қувватлаш,

истеъдод эгаларини рағбатлантириб бориш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоялаш, малакали тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш, янгидан-янги спорт иншоотларини барпо этиш — буларнинг барчаси улугвор мақсаднинг бардавонлигидан далолатдир.

Жисмонан бақувват, маънавияти юксак, руҳан тетик ёшларгина ВАТАНнинг янада тараққий этиши учун

хизмат қилишга қодир бўлади. Бунда спорт алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани шундан. Айнан Президентимиз ташаббуслари билан уч босқичли "Универсиада", "Баркамол авлод" ва "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиб келинаётгани ёшларнинг бу борадаги орзу ва интилишларига муносиб замин бўлиб хизмат қилмоқда.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

## ЎзМТДП дастури — амалда

Банк кредитлари — оилавий  
тадбиркорлар ва хунармандларга(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Нотиқ истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик кенг ривож топиб, пировардида халқимизнинг турмуш тарзи фаровонлашиб бораётганини таъкидлади: — Бу жараёнда ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП ҳам муносиб сазъ-ҳаракатларни амалга оширишга интиломоқда. Партиянинг дастурий ҳужжатларида миллий хунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш, партия электорати бўлган қадриятларимиз давомчиларини қўллаб-қувватлаш, "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш белгиланган.

Тадбирда "Хунарманд" уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раҳбари И.Хамдамов, Марказий банк мутахассиси А.Юсупов, Кўкун шаҳар ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М.Турдиқулновнинг "Банк кредитларининг хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти-

ни янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга қиқаришда зарур ёрдам кўрсатиш" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Маъруза-

содиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошгани ҳам фикримиз далили бўла олади.

Амалий семинарда эътироф этилганидек, Фарғона вилояти миллий хунармандчиликнинг ўзига хос анъаналари билан ном

**Нодира АБДУХОЛИҚОВА,**  
ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси  
девоми бош мутахассиси:

— Партияимиз сайловолди Платформасида миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган сазъ-ҳаракатлар секин-аста ўз натижасини кўрсатаётир. "Банк кредитлари - хунармандларга" лойиҳаси асосида жойларда ташкил этилаётган амалий семинарлар натижасида қўллаб-қувватлаш имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлиб, нафақат ўз оиласи, балки мамлакатимиз тараққиётига ҳам хисса қўшмоқдалар. Бугунги амалий семинарда ҳам 83 нафар қадриятларимиз давомчиларига 327 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бунинг натижасида 86 та янги иш ўрни яратилди.

**Сарвинозхон ТЎХТАНАЗАРОВА,**  
хунарманд:

— Хунармандчилик азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятларимиздан саналади. Истиқлол йилларида ота-болаларимиздан мерос мазкур соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, уста-хунармандларга кенг шариот яратилиб, "устоз-шогирд" анъаналари давом эттирилмоқда. Мен ҳам устозимдан тикувчилик сирларини



(ЎзА) олан суратлар.

чилар, шунингдек, оилавий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишди.

Таъкидланганидек, бугун юртимизда банк тизимидаги ислохотлар жадал ривожланиб, банк хизматлари турлари кенгайиб бормоқда. Молия-банк муассасалари томонидан оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилда иқти-

содиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошгани ҳам фикримиз далили бўла олади.

Амалий семинарда эътироф этилганидек, Фарғона вилояти миллий хунармандчиликнинг ўзига хос анъаналари билан ном

қозонган. Айниқса, халқ амалий санъатининг атлас ва адрас матолари тўқиш, кўлчилик, ёғоч ўймакорлиги сингари турлари кенг ривожланишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани шундан. Айнан Президентимиз ташаббуслари билан уч босқичли "Универсиада", "Баркамол авлод" ва "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиб келинаётгани ёшларнинг бу борадаги орзу ва интилишларига муносиб замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Жисмонан бақувват, маънавияти юксак, руҳан тетик ёшларгина ВАТАНнинг янада тараққий этиши учун

хизмат қилишга қодир бўлади. Бунда спорт алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани шундан. Айнан Президентимиз ташаббуслари билан уч босқичли "Универсиада", "Баркамол авлод" ва "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиб келинаётгани ёшларнинг бу борадаги орзу ва интилишларига муносиб замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Жисмонан бақувват, маънавияти юксак, руҳан тетик ёшларгина ВАТАНнинг янада тараққий этиши учун

пухта ўрганиб, миллий либослар тикиш билан шуғулланиб келаман. Юртимизда хунармандларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида фаолиятимни янада кенгайтириб, хунарим сирларини ёшларга ўргатишга аҳд қилдим. Бу борада ЎзМТДП томонидан ташкил этилган мазкур семинар менга катта ёрдам берди.

**Муслимбой АБДУРАҲМОНОВ,**  
оилавий тадбиркор:

— Анчадан буён маҳалламиз ҳудудда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этишни ният қилардим. Мақсадимни амалга ошириш учун автомобилларга хизмат кўрсатувчи кичик устaxonа очдим. Оила аъзоларимиз билан фаолиятимизни кенгайтириб, хизматларимиз сифатини ошириб, турларини кўпайтиришни маслаҳат қилдик. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга кўмаклашишни мақсад қилган ЎзМТДП томонидан ўтказилган семинарда "Универсалбанк"дан 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик. Ушбу маблағдан самарали фойдаланиб, халқимизга янада сифатли хизмат қилишга ҳаракат қиламиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**  
"Milliy tiklanish" муҳбири

Боқий мерос

## Жамиятнинг маънавий юксалиши

унда аждодлар миллий меросининг аҳамияти бекиёс



**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ЎзРФА Темурийлар тарихи Давлат музейи, Халқаро Амир Темури фонди, ЎзРФА Астрономия институти ҳамкорлигида буюк астроном ва математик, давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудини 620 йиллиги муносабати билан "Мирзо Улуғбекнинг сунмас юлдузи" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

риб борган. Маълумотларга кўра, «Зижи»нинг юзга яқин форсий ва ўн бешдан ортиқ арабий нуҳаси мавжуд. Европалик машҳур астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавийлашиб, шухрат топмаган.

— Маълумки, халқимиз тарихининг буюклиги, аввало, маънавияти ва маърифатининг юксаклиги билан белгиланади, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган. Айниқса, Темурийлар томонидан яратилган буюк салтанат, улар раҳнамолигида барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимизнинг бой ва нодир мероси намуналари сифатида, дунё ахлини ҳайратга солиб келмоқда. Мирзо Улуғбекнинг қўллаб илмий монографиялари, сиёсат ва иқтисодий соҳасидаги фаолияти, илмий ва маърифий мероси унинг номини мангуликка муҳради. Мустақиллик шарофати билан Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, ҳужумдорлик сиёсати ва иқтисодий ислохотлари, шахарсозлик, маънавиятни кенг тартиб-ташвиқ этиш йўлида олиб борган ишлари ҳамда буюк мунажжимнинг фан ва ижтимоий ҳаёт жаҳаларидаги фаолияти олимларимиз томонидан объектив ўрганилмоқда. Шунингдек, истиқлол йилларида Улуғбек илмий меросини ўрганиш борасида янги китоблар, илмий мақолалар, бадий асарлар яратилди ҳамда олимнинг "Тўрт улус тарихи", "Илму нуҳум. Астрология" асарлари нашр этилди.

Халқимизнинг бой ва бетакрор маданияти, маънавий, тарихий меросини ўз халқига, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онига сингдиришни ўзининг долзарб вазифаларидан бири деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар партия сай-

ловолди Платформасида белгиланган юксак маънавиятли ва ахлоқли, масъулятли ва комил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш, улар қалбида юртимиз тарихидан фахрлиниш ва миллий гурури туйғусини уйғотишда муҳим аҳамият касб этади, — деди нотик.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, Мирзо Улуғбек ўз даврининг илм-фани, маданияти ва маърифатининг ёрқин вакили ҳисобланади. У ўзининг фан ва таълим дастури асосида Самарқанддаги Қўҳак тепалигида ўша замон фалакиёт илмининг барча ютуқларини ўзида мужассам этган ва ўрта асрлар астрономия илмининг энг юқори намунаси бўлган улкан расадхона маъмурадини бунёд қилди. Расадхонада йиғирмага яқин турли астрономик жиҳозлар, кутубхона, ҳисобхоналар мавжуд бўлиб, юзга яқин ходимлар астрономик тадқиқотлар билан машғул бўлганлар.

### Сайдбахром АЗИЗОВ,

**ЎзРФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими:**

— Мирзо Улуғбек буюк астроном олим, илм-маърифат ҳомийси сифатида нафақат мамлакатимиз илм-фани, балки дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган тарихий сиймодир. Ўрта асрларда унинг ташаббуси билан ташкил этилган академияда олиб борилган илмий изланишлар, яратилган бой илмий мерос юртимиз ва дунё фундаментал фанлар ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилган ҳамда дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Бунга улғ аждодимиз томонидан тузилган "Зижи жадиди Қўрагоний" астрономик жадвали ёрқин мисол бўла олади. Ушбу асар ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, узоқ вақт мобайнида Европада астрономия соҳасида дастуриламал қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. Шунингдек эътироф этиш лозимки, партия ташаббуси билан ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар ёшларда буюк аждодларимиз мероси билан фахрланиш, улар ҳаёти ва фаолияти борасидаги билимларини янада бойитиш ҳамда муносиб авлод бўлиб улғайишга ундайди.

### Қамолдин ЭРГАШЕВ,

**ЎзРФА Астрономия институти катта илмий ходим, изланувчиси:**

— Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида Ватанимиз тарихини ўрганиш, аждодларимиз томонидан яратилган маданият маънавий меросини асраб-авайлаш ва бойитиш ҳамда уларни келгуси авлодларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги тадбирда тарихшунос олимлар томонидан буюк алоҳида илмий фаолияти хусусида тақдим этилган маърузалар бобокалонимизнинг ҳаёти ва ижоди, илмий изланишлари борасидаги билимларимизни янада бойитишга хизмат қилди. Айниқса, Самарқанд шаҳрида жойлашган Улуғбек расадхонасининг қурилиш тарихи, унда олиб борилган астрономик изланишлар хусусидаги қизиқарли маълумотлар, келтирилган далиллар менда катта таассурот қолдирди.

"Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади. "Зижи жадиди Қўрагоний" деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалган фикримизнинг яққол исботидир", деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари ўзининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида.

Буюк аждодимизга эҳтиром кўрсатиш, унинг миллий меросини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда уни ёшларга ўз ҳолича етказиш авлодларнинг муқаддас бурчидир. Баҳс-мунозара ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбир якунида иштирокчилар музей экспозиция заллари бўйлаб саёҳат қилдилар.

### Тўмарис АЪЗАМ,

**Шаҳзод ВОҲИДОВ,**

**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Хроника

## Юрт тараққиёти

маънан етук, жисмонан соғлом авлод қўлида

### АНДИЖОН

Бир неча минг йиллик тарихга эга Наврўзи олам аждодларимиз томонидан шарқона янги йил сифатида кенг нишонлаб келинади. Инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик, деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз шодиёналарида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида яшаб келмоқда.

Байрам муносабати билан ЎзМТДП Асака туман Кенгаши томонидан "Хуш келибсан, Наврўзи олам!" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, Наврўз миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида сақлаб келаётган байрам бўлиб, бу айёмда тайёрланган миллий таомлар, мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган халқ уйинлари, мусобақалар байрамга ўзгача шукҳ ва тароват бахш этади. ЎзМТДП ташкилотлари томонидан ўтказилган байрам тадбирлари эртанимиз эгаларининг халқимиз тарихи ва маданияти, боқий анъаналари ҳақидаги билим ҳамда тасаввурини бойитишга хизмат қилади.

### ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎзМТДП Чимбой туман Кенгаши томонидан "Соғлом оила — жамиятимиз таянчи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирни партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Б.Тлеумуратов кириш сўзи билан очиб, жорий йилнинг мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб номланган истиқлолнинг илк йилларидаги жисмоний ва маънавий етук, замонавий билим, мустақил фикр ва дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳар жиҳатдан соғлом авлодни воғга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларни қучайтириш ва изчиллигини таъминлашга янада кенг имкон берганини таъкидлади.

Давра суҳбатида Президентимиз раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук инсонлар бўлиб воғга етиши учун амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборга доир масалалар муҳокама қилинди.

Партия туман Кенгаши фаолиятини янада жонлантириш, "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб турли спорт мусобақалари ташкил этиш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши ташаббуси билан "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси М.Юнусов маъруза қилди. — Жорий "Соғлом бола йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида жисмонан ва маънаван соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамият ривожини учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этишга қодир ёш авлод вакиллари тарбиялашга қаратилган кенг миқёсдаги чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни спортга кенг жалб этиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот тадбирлари, турли спорт мусобақалари ўтказишни мақсад қилган.

### СИРДАРЁ

Мамлакат тараққиёти, жамият ривожини кўп жиҳатдан келажагимиз эгаларининг жисмонан ва маънаван соғлом бўлиб улғайиши ҳамда таълим тарбиясида боғлиқ. Шу боис истиқлол йилларида келажагимиз эгалари салоҳиятини муҳофаза қилиш, маънавиятининг юксалтириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

ЎзМТДП партия вилоят Кенгаши Гулистон шаҳар Кенгаши ҳамда "Ёшлар қаноти" ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирда шу хусусида сўз борди.

Тадбирни партия Гулистон шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Б.Алиқуллов кириш сўзи билан очиб, мамлакат келажаги, жамият таянчи ва ишонч бўлган ёшларнинг истеъдод ва маҳоратини юзага чиқариш, маънаван ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, келажагимиз эгаларини халқимиз тарихи, маданий-маънавий меросига ҳурмат руҳида, ватанпарвар қилиб тарбиялаш ҳамда уларни спортга кенг жалб қилиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар юртимиз раҳбарига ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъкидлади.

### НАМАНГАН

Бугун глобаллашув жараёнининг авж олиши ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг тобора ривож топиб бораётгани миллий қадрият ва анъаналарини сақлаб қолиш масаласида янада жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Шу муносабат билан ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия Наманган вилоят Кенгаши томонидан "Оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"нинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири, интернет салбий жиҳатларининг миллий ўзлигимиз ва менталитетимизга тобора хавф солиб бораётгани хусусида тўхталиб, бу борада миллий қадрият ва анъаналаримиз тарғиботида қаратилган тадбирларни мунтазам ўтказиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига жамоатчилик эътиборини қаратиш лозимлигини қайд этишди.

### ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда Жиззах Политехника институти ҳамкорлигида "Тинчлик ва барқарорлик — юртимиз тараққиётининг кафолати" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни партия Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ф. Қодиров кириш сўзи билан очди:

— ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Партияимиз ушбу муҳим вазифаларни амалга оширишда сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари, кенг қўламли лойиҳа ва ташаббуслари билан иштирок этиб келмоқда.

Давра суҳбатида тинчлик ва оқсоқилликни асраб-авайлаш, жаҳонда юз бераётган турли сиёсий жараёнлар, хусусан, глобаллашув жараёнининг ёшлар маънавиятига салбий таъсири ҳамда "оммавий маданият"га қарши уларда маънавий иммунитетни шакллантириш масаласи хусусида партия фаоллари, соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди.

### БУХОРО

ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши томонидан ўсмир қизлар ўртасида "Миллий тикланиш" соврини учун" спорт мусобақаси ўтказилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун юртимиз байроғи жаҳон спорт майдонларида баланд кўтарилаётгани, ёш авлод вакиллари спорт турлари бўйича юксак натижаларни қўлга киритаётгани айтиш шарт эмас. ЎзМТДП томонидан "Соғлом бола йили" муносабати билан ўтказиладиган бундай спорт мусобақалари ёш авлод вакиллари ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш, спортсевар ёшлар сафининг кенгайишига замин яратмоқда.

Тадбир давомида спортнинг футбол, шахмат, шашка, ўзбек миллий кураши, оғир атлетика турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

**Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

## Янги, таъсирчан лойиҳалар

партия хайрихоҳларининг ортишига хизмат қилади

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада, айниқса, партия гоя ва мақсадларини кенг аҳолига етказиш, электрот манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишда кўп йўналишлардан алоҳида фооллик талаб этилади. Қарши давлат университети жамоасини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотлари партия дастурий мақсадларини аҳоли вакиллари орасида тарғиб қилиш, ёшларни миллий хунармандчиликка кенг жалб этиш, интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришга қаратилган ишлар самарали йўлга қўйилган.**

— Сиёсий партиянинг гоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, электрот вакиллари йўналишларига масалаларни ўрганиб, уларнинг ечимини топишга кўмаклашишда кўп йўналишлар фаолиги муҳим аҳамиятга эга, — дейди партия Қарши шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Суннатулло Оминов. — Айни пайтда шаҳар Кенгашида 1 минг 782 нафар аъзоини бирлаштирган 71 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий

билимларини ошириш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш сингарини партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда шаҳар Кенгашидаги бошланғич партия ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, айниқса, Қарши давлат уни-

верситети жамоасини бирлаштирган кўп йўналиш фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин.

Эътироф этиш лозимки, мазкур бошланғич партия ташкилоти партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда замонавий усуллардан фойдаланиб, тадбирлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Электрот манфаатларига қаратилган тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани боис, кўп йўналиш аъзолари сонин сезиларли ошиб, 270 нафарга етди. Мазкур кўп йўналиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар юзасидан қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Жумладан, "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎзМТДПнинг ўрни", "Оммавий маданият ва миллий қадрият", "Маънавий таҳдидлардан оғоҳ бўлайлик", "Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги", "XXI аср — интеллектуал авлод асри" каби мавзуларда тадбир ўтказилди. Таъкидлаш лозимки, бу каби давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлар ёшларни миллий қадрият ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбия-

лаш, келажақ эгаларини турли маънавий таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли ва ахлоқли, масъулятли, комил инсонни тарбиялашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Жорий "Соғлом бола йили"да партия вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Азамат Худойқуллов. — Жумладан, "Ёш оилаларга — уй-жойлар дастури", "Аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш", ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган "Ёшларни касб-хунарга ўргатиш" каби лойиҳаларни амалга ошириш таъкид этиши мақсад қилинган. Шу билан бир қаторда қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун ажратилган истеъмол кредитлари миқдорини ошириш борасида ташаббусларни амалга ошириш, электрот манфаатларини ўрганиш, оилалар ўртасида "Ҳаёт соғлом болалар билан гулгун", "ОИТС ва гёбхвандлик — аср вабоси", "Оммавий маданият" ва миллий маданият" мавзулари бўйича семинар тренинглари, давра суҳбатлари ўтказиш жорий йилдаги асосий вазифаларимиздан саналади.

**Шаҳноза КАҲҲОРАЗДА,**  
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси**

## Тарғибот



## Фарзандлари соғлом юрт кудратлидир

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят ва Чирчиқ шаҳар Кенгаши, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "Соғлом бола — келажакимиз пойдевори" мавзусида тадбир ўтказилди.**

Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Уткир Рашидов кўриш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Юртимиз келажак бўлган ёшлар тақдири ҳақида қайғуриш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятларимиздан саналади. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Келажак авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маънавий таҳдидларнинг

салбий таъсирига қарши курашишда спортни оммалаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб вояга етказиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур йилда ёшларни спортга кенг жалб қилиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот тадбир-

лари, турли спорт мусобақалари ўтказиши мақсад қилиб кўйган.

Тадбирда мустақиллик йилларида ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги, айниқса, мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда "Универсиада" мусобақалари иқтидор эгалари кўрсатиш, келажакда уларнинг маҳоратли спортчилар бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани эътироф этилди.

Тадбир давомида спортчи йигит-қизларнинг кўргазмали чиқишлари, янграган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача кўтардилик бағишлади. Шунингдек, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида олти шарт бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди. Фолиб-

ларга партия ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совгалари, фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Шавкат ҚУРБОНОВ,**  
**ЎзМТДП Чирчиқ шаҳар**  
**Кенгаши Ижроия**  
**Кўмитаси раиси:**

— Ёшларни турли маънавий таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли, комил инсонни тарбиялаш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасидаги устувор мақсад-вазифалардан саналади. Жорий "Соғлом бола йили"да болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш борасида тарғибот тадбирларини сифат ва сон жиҳатдан бойитиш мақсад қилганмиз. Бугунги тадбир ҳам ана шу йўналишдаги мақсад-вазифалар ижросига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Фарида КЕНЖАЕВА,**  
**Чирчиқ шаҳридаги**  
**14-меҳрибонлик уйи**  
**директори,**  
**ЎзМТДП фаоли:**

— Фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб улғайишида оила муҳити бекиёс ўрин тутади. Зеро, миллий қадриятлар эъозланганидан, соғлом турмуш тарзи ҳукм сурайдиган оилада вояга етадиган ёш авлод турли зарарли иллатларнинг таъсирига тушиб қолмайди. Шу боис, меҳрибонлик уйимизда тарбияланувчиларнинг миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Партия ташаббуси билан ўтказилаётган бундай мусобақалар ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини оширибгина қолмай, уларнинг иқтидорини эрта кашф этиш, келажакда кўта ва жаҳон миқёсидаги маҳоратли спортчилар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Ш.ФАФФОРОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## Партия ҳаёти

## Ижроия Кўмита йиғилиши

устувор вазифалар муҳокама қилинди

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

— Президентимиз томонидан жорий йилга "Соғлом бола йили" деб ном берилгани ва шу асосда қабул қилинган Давлат дастури мустақилликнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди, — деди унда маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов. — Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга оширишга кўмаклашишда барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари алоҳида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиши лозим. Эътироф этиш жоизки, яқинда партия ҳудудий Кенгашларининг навбатдаги йиғилишлари ўтказилди. Йиғилишларда партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оила қадриятларини янада мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказиш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини шакллантириш ҳамда истеъ-



додли, фаол ёшларни аниқлаш, миллий халқ ўйинларини оммалаштиришга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосарлари Улуғбек Мухаммадиев, Жалолиддин Сафоев ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Олим Оқиловлар сўзга чиқиб, Давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия гуруҳлари фаоллиги ва ташаббускорлигини янада ошириш, партия электорати манфаатла-

рини ҳимоя қилиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига ташаббус-масалалар киритиш, бу борада ЎзМТДП ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозимлигига эътибор қаратишди. Шунингдек, тадбирлар самардорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни партия фаолиятига кенг жалб қилиш, ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Ижроия Кўмита йиғилишида партия фаолияти билан боғлиқ яна бир қатор масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## Қонун лойиҳасига шарҳ

## Нотариат соҳасидаги ислохотлар давом этмоқда

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, барча соҳаларда бўлгани каби нотариат институти фаолиятини янада такомиллаштириш, иш жараёнини замонавий талаб ва мезонлар асосида йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастурий амал бўлмоқда. Ўз навбатида мазкур ҳужжат жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишда нотариуслар зиммасига алоҳида масъулият юклатди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 24 та норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми десак, муболаға бўлмайди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 18 декабрда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида Қонунчилик палатасига киритилган мазкур ҳуқуқий ҳужжат нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш орқали соҳани малакали мутахассислар билан тўлдириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумки, "Нотариат тўғрисида"ги Қонун 1996 йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1997 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилган. Утган давр мобайнида нотариат тизими такомиллаштирилди, ўзининг ривожланиш босқичини босиб ўтди. "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси билан соҳага оид қонунчиликка янги меъёрлар киритилмоқда. Хусусан, "Малака комиссиялари" деб номланган 3-модда шулар жумласидандир. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари стажировкадан ўтган шахслардан малака имтиҳонларини қабул қилиш мақсадида ташкил этилиши белгиланмоқда. Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш, шунингдек, малака

комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун ўн бир кишидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси тузилиши белгиланди. Мазкур комиссия таркибига Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик судининг судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакиллари кириши белгиланди.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг "Ўзбекистон Республикасида нотариус" деб номланган 2-моддасига мувофиқ йилгирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муددатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида икки йил муددатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкинлиги белгиланди. Бу билан нотариус лавозимига қўйлаётган талаблар кўнатирилди.

Нотариат қонунчилигига киритилган янгиликларнинг амалиётга татбиқ этилиши бу йўналишдаги ислохотларни давом эттириш ва қонунчилигимизнинг янада такомиллаштирилиши лозимлигини кўрсатди. Шу маънода қонун лойиҳаси қуйдаги муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган. Аввало, "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига киритилаётган қўшимча билан судьяларга ҳамда нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда ишлаган шахслар учун стажировка муددатини амалдаги барча талабгорлардан фарқли ўлароқ қисқартриш таклиф этилмоқда.

"Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига биноан нотариусларнинг ўз касбий мажбуриятларини бажариши устидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари амалга ошириши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун лойиҳаси муҳокамасида ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия Дастури ва сайловолди Платформасида келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда. Хусусан, партия Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ҳар томонлама ошириш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини билиш кўникмасини шакллантириши ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳаси нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш тизимдаги ишлар самардорлигини янада оширади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва юридик шахсларга сифатли нотариал хизмат кўрсатилишига замин яратади.

Жаҳонгир БОБОЕВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

### "Мустаҳкам оила — ёруғ келажак гарови" танловига

## Камолотга етакловчи маскан

баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутади

**Оила — давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга молик маскан ҳисобланади. Халқимизнинг миллий қадриятлари, гўзал анъаналари, урф-одатлари ва инсоний фазилатлари оила аталмиш муқаддас гўшада шаклланади, сайқал топади. Истиқлол йилларида оила институтини устуғлаш, тинч-осойишталиги, фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли савй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йилларнинг номланиши ҳам оила билан чамбарчас боғлиқлиги унга бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимизнинг ташаббуслари билан юксак мукофот — «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилинганлиги оила институтига бўлган эътиборнинг тасдиғи бўлди.**

Таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шу маънода, бугун юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш, унинг қадриятларини асраб-авайлашнинг ҳуқуқий асослари кундан-кунга такомиллашиб, бу масалага бўлган эътибор янада кучаймоқда. Хусусан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, дунёга келаятган фарзандларни жисмонан соғлом, ақлдан етук қилиб тарбиялаш масъулияти бугуннинг долзарб вазифаси саналади.

Болаларни спортга кенг жалб этиш орқали ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш, уларни салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсад ва

вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида партия Тошкент шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан муайян савй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини сақлаш каби партиянинг устувор дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунириш, уларнинг оила қонунчилиги бўйича ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш борасида бир қатор тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Бу каби давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар катта ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оиласи олдидagi мажбурият ва вазифаларини чуқур англаширида айна мудоао бўлмоқда. Жумладан, "Соғлом оила — соғлом жамият", "Ёш қизларни оилага ва баркамол оналикка тайёрлашда аёллар ҳамда маҳалланинг ўрни", "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни", "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашда оиланинг роли" каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Айниқса, "Соғлом оилдан-соғлом

# Жараён



## Мақсадли сарфланадиган маблағлар

фуқаролик жамияти равнақига хизмат қилади

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2014 йилдаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов, фонд директори А.Тўраев ва бошқалар мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар натижасида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ташаббуслари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганини, аҳолининг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлашда, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг фаол иштироки таъминланаётганини таъкидлади.

ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятидаги устувор вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш, уларнинг фаолигини ошириш учун 8,2 млрд. сўм маблағ ажратилди, бу ўтган 2013 йилга нисбатан 17,1 фоизга кўпдир. Жумладан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг муҳим масалаларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, "Келажаги буюк — соғлом авлод" мавзусидаги грант танловларини ташкил этиш ва ўтказиш учун 3,8 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

**Мухтарама КОМИЛОВА, "Milliy tikanish" мухбири**

**Юртимизда фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароитлар етарли. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги таълим соҳасига давлат сўбасати даражасида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, Конституциямизда ҳар қимнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, шу аснода давлат бевулу умуий таълимни кафолатлаши белгилаб қўйилган.**

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда ўз кўлами, муқамаллиги билан беқийёс аҳамият касб этган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотларнинг ибтидоси бўлди. Миллий дастурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда яхлитлик ва тизимли ёндашув мужассам. Яъни, шахс, давлат, жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ягона жараённинг таркибий қисмига айланган.

Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш, миллий ва умумбаشارий кадрлар асосидаги таълим, фан, ишлаб чиқариш ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида ушбу дастур муҳим ўрин тутди. Айниқса, Юртбошимизнинг қарори билан олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ҳамда 2011-2016 йилларда мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантириш имконини берди. Дастурда олий ўқув юртлири биноларини қуриш, таъмирлаш, қайта жиҳозлаш, янги замонавий лабораториялар яратиш, ўқитиш йўналишларини оптималлаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳам кўзда тутилган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳозирда бош-

Дастур — амалда

## Фан ва таълим уйғунлиги

малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилаётир



(Ў.А) олган сурат.

ланғич таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртлиригача замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер жамланмалари, спорт анжомлари, зарурий адабиёт ва кўргазмалар воситалар билан таъминланди. Ўзбек ўқувчилари дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, шунингдек, фанга оид барча илмий янгиликлар билан интернет орқали танишиш имкониятига эга бўлди.

Қолаверса, таълим соҳасида хоржий давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши тўғрисидаги иқтидорли талабаларимиз дунёнинг нуфузли олий ўқув юртлирида малака ошириб қайтаётти. Мазкур

ҳамкорлик алоқалари натижасида ёшларимиз келажақда юрт равнақи учун хизмат қиладиган кадр бўлиб етишмоқда. Хусусан, хоржий тилларни ўрганишга қаратилган эътибор кучайиб, барча таълим муассасаларида керакли шарт-шароитлар яратиб берилди. Мактаб ўқувчиларини бошланғич таълим даврида оқил, рус ва француз тилларини ўрганишга бўлган қизиқиши ҳам ортиб бормоқда.

Бу борада Тошкент юридик коллежида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Коллежда таълим сифати ва самарасига жиддий аҳамият берилади. Ўқитувчи ва мураббийларимиз ўқитишнинг но-

анъанавий, шунингдек, интерфаол усулларни кенг қўллаган ҳолда ёш авлоднинг баркамол шахс қилиб тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўқувчиларнинг дунёвий билимларини ошириш мақсадида махсус фан тўғрисидаги ташкил қилинган. Коллежнинг олий ўқув юртлири билан ҳам яқин ҳамкорлиги бор. Бунда талабалар бошқа ўқув юртлирига бориб, ўз билимларини синая кўрмоқда, билимларини тенгқурларидан сўраб ўргаништиради. Коллежда ўқувчилари ҳар йили республика миқёсида ўтказиладиган илмий кўрик-танловларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётганликлари юқоридаги фикрларимизнинг яққол исботидир.

Бундан ташқари, коллежда тез-тез долзарб мавзуларга бағишланган анжуман, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиб турилади. Мазкур тадбирларда юқори малакали юртлирлар, олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабалари иштирокида давра суҳбатлари ўтказиш анъана тусини олган. Ёшларимиз ана шундай тадбирлар орқали фақат юртимиз ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишга қолмай, балки ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича ҳам маълумотларга эга бўлмоқдалар. Зеро, ёшларимизнинг жамиятда ўз ўрни ва овозига эга бўлишида бундай тадбирлар қутилган самараларни бериши шубҳасиз.

**Марғуба БОҚИЕВА, Хадича САЙДУЛЛАЕВА, Тошкент юридик коллежи ўқитувчилари**

"Ташаббус — 2014"

## Беш йўналишда 112 хил маҳсулот

ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, дейди "Magnum Medikal Servis" МЧЖ бош директори Отабек Жиянбоев

**Президентимиз соғирни учун жорий этилган "Ташаббус" кўрик-танлови айтиши мумкинки, юртдошларимизнинг ишбилармонлиги, ташаббускорлик қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг янги гоя ва иштиқолини ҳаётга таъбиқ этишда улкан аҳамиятга эга бўлмақда.**

Шу боис, мазкур танловнинг нуфузи йил сайин ортиши баробарида иштирокчиларнинг фаолияти йўналишлари ҳам ўзгариб, ривожланиб бораётти. Уларнинг иштирокида ишлаб чиқаришнинг мустақамлашда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштироки таъминланади.

Шу боис, мазкур танловнинг нуфузи йил сайин ортиши баробарида иштирокчиларнинг фаолияти йўналишлари ҳам ўзгариб, ривожланиб бораётти. Уларнинг иштирокида ишлаб чиқаришнинг мустақамлашда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштироки таъминланади.

ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Magnum Medikal Servis" МЧЖ корхонасини очди. Тинимсиз олиб борилган ишлаб чиқариш ва ташаббускорлик натижасида "Magnum Medikal Servis" МЧЖ яқинда "Ташаббус-2014" кўрик-танловининг Тошкент шаҳри босқичида "Энг яхши тадбиркор" номинацияси ғолиби бўлиб, танловнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— 2007 йилда бир йўналишда 8 хил маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, айни кунда 5 йўналишда 112 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди биз билан суҳбатда "Magnum Medikal Servis" МЧЖ бош директори Отабек Жиянбоев. — Бундан кўриниб турибдики, корхонамизда йилдан-йилга иш

ҳажми ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, жумладан, тиббиёт муассасалари ва касалхоналар эҳтиёжини маҳаллий сифатли, барча замонавий талабларга жавоб берадиган тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида иш олиб бораётибиз.

Маҳсулотларимиз билан ҳар йили халқаро тиббиёт кўргазмаларида икorporация ярмаркаларида иштирок этиб келмоқдамиз. "Ташаббус" танловидида илк бор қатнашиб, туман ва шаҳар босқичида ғолиб бўлдик. Бу муваффақият фаолиятимизни янада кенгайтириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш имконини беради.

Бугун, энг аввало, ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини яна-

да кенгайтириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Яқинда болалар боғчаси, мактаб ва клиникаларда ишлатиладиган янги "Карс" аппаратини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу болажонларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига хизмат қилади. Мазкур йўналишда ҳам ишларимизни давом эттирмоқчимиз.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳам мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ана шу мақсадда ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови ўзaro тажриба ва фикр алмашиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида иштиробли режалар тузиш ҳамда юртимизда ишбилармонлик муҳитини қарор топтиришга ҳам имкон яратади. Отабек Жиянбоев раҳбарлик қиладиган "Magnum Medikal Servis" МЧЖга эса "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичида ҳам омад тилаб қоламиз.

**Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tikanish" мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов "Келажаги буюк — соғлом авлод" мавзусида нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифаларини амалга оширишга кенг жалб қилишга йўналтирилади.

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантларини қўллаб-қувватлашдаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади;

— жамиятининг маънавий асосларини янада юксалтиришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш;

— азалий миллий қадриятларни мустақамлаш, жамиятда юксак маънавият ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг қарор топтириш;

— оиланда тиббий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш, тўғри овқатланиш, камқонлик гигиена борасида қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш;

— ёш авлоднинг маънавий тарбиялашда янада юксалтириш, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш;

— ёш авлоднинг тарбиялашда таълим муассасаларининг оила ва маҳалла институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш;

— болалар ва ёшлар ҳаётини ОАВда кенг ёритиш — телевидение ва радиоада махсус кўрсатув ва руқиялар, мавзуга оид туркум мақолаларни ташкил қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

— болаларда мавжуд бўлган шахсий, ижодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга имкон берадиган қўлай оилавий муҳитни яратишга кўмаклашиш;

— болаларда эстетик дид, ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маданий меросига, ўзбек халқининг бой тарихига, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ютуқларини ҳурмат қилишни шакллантириш;

— ижтимоий кўмакка муҳтож болалар гуруҳларига психологик, ижтимоий-педагогик, ҳуқуқий, услубий ва ахборот-таълим ёрдамлар мажмуасини кўрсатиш;

— ривожланишда нуқсонли бор болалар фаровонлигини янада юксалтириш учун шарт яратиш, имконияти чекланган болалар учун оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

— ёшларни, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш учун шароит яратиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига лойиҳа тақдим этилаётганлиги ҳақида кузатув хати.
2. Жамоат фондининг [www.new.fundngo.uz](http://www.new.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси.
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусخаси, агар лойиҳа доирасида лицензияланган фаолият олиб бориладиган лицензия нусхаси.
4. Низом нусхаси (ташкilot мўҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), шунингдек манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатларни қабул қилиш 2014 йил 26 мартдан 28 апрелгача ҳар кун соат 9:30 дан 18:00 гача қабул қилинади. Шанба ва ақшанба кунлари бундан мустасно.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035. Бунёдкор шох кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг нусхалари билан Жамоат фондининг [www.new.fundngo.uz](http://www.new.fundngo.uz) расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ижро девони**

## Мустақилликнинг халқимизга ҳадя қилган энг улуғ неъматларидан бири — мустақиллик йилларида "Емоноплик" бўлган буюк аждодларимизни ўз сийрати ва соғиниш ила ўрганиб бовладик.

Бугунги кунда халқаро миқёсда фаолият юротаётган Бобур номли халқаро жамоат фонди кўҳна тарихимизни тиклаш, маънавийтимизни янада юксалтириш, заминимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросларни излаб топиб Ватанга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш борасида қатор хайрли ишларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бобур халқаро илмий экспедициясининг ташкил қилиниши залворли вазифаларнинг биринчиси бўлди.

Ўтган қисқа давр ичида Бобур халқаро илмий экспедицияси томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида 350 дан зиёд ноёб китоб ва нодир кўлёмза асарлар олиб келиниб, бугунги кунда табарруқ зиёратгоҳга айланиб улгурган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида мужассамлаштирилди, бир неча олимларимиз томонидан илмий ўрганишга киритилди. Ўзбек тарихига оид 30 дан ортиқ илмий-бадий китоблар чоп этилиши ҳам изланишларимиз самараси, десак муболага бўлмайди. Сафарлар таассуротлари ўлароқ бир неча ҳужжатли фильмлар яратилди-ки, уларда фондимиз фаолиятининг мақсад йўлидаги машаққатлари, қувончлари акс этди.

Ҳар йили 14 февраль кунини Андижон мамлакатимиз бобуршуносла-

## Фаолият

## Аждодлар тарихи ва мероси изидан

ри ва барча адабиёт муҳлисларини ўз бағрига чорлайди. Ўтган йили қомусий олим, бетакрор шоир, адолатпеша шоҳ ва етук саркарда, буюк бобурийлар салтанатининг асосчиси Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб халқаро миқёсда илмий анжуман ўтказилди. Анжуманда Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидаги илмий муассасаларда фаолият кўрсатаётган бобуршунослар профессор-ўқитувчилари, талабалар ўзларининг илмий маърузалари, янги ижод намуналари билан иштирок этди. Анъанага кўра иштирокчилар ушбу фондининг ўтган йилда амалга оширган ишлари ва янги йилдаги режалари билан танишдилар.

Халқимизнинг ўлмас қадриятларидан ҳисобланган Наврўзнинг биринчи йиғинлари Бобур номли миллий истироҳат боғида бошланиши ҳам яхши бир анъанага айланиб қолди. Бобур меҳмонлари учун ёзилган дастурхонларга сумалак ва бошқа баҳорий-миллий таомлар бортилади. Ҳазрат Бобурнинг "Баҳор айёмидур даги..." деб бошланувчи газали "Наврўзи Ажам" куйи билан янграганида давра янада жонланиб кетади. Фонд ҳоимлигида тайёрланган концерт дастурларида Фарғонаю Наманган, пойтахтимиз Тошкент ҳамда қўшни мамлакатлардан келган санъаткорлар чиқиши Ҳазрат

бобомизга бўлган муҳаббат чек-чегара билмаслигини яна бир қарра исботлади.

Анджоннинг Боғишмоли ҳақида сўз кетса халқимизнинг кўз олдида Бобур номли миллий истироҳат боғи келиши рост. Чунки халқаро жамоат фонди ҳамма ушбу боғнинг ободчилиги, кўкаламзорлиги, зиёратчилар учун кўнгилли ҳордиқ чиқарувчи маскан бўлишига ҳаракат қилади. Ўтган йилда ҳам баҳорги маусумга тайёргарлик ишлари юқори суръатларда олиб борилиб, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик, боққа манзарали ва мевали дарахтлар экиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Меҳнатқашлар ҳамда зиёратчиларнинг дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 январдаги қарори билан тасдиқланган режага мувофиқ эса 2013 йилнинг 10-11 июнь кунлари «Захириддин Мухаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий конференция Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Анжуман Бобур ҳаёти ва ижодини тўлалигича ёритиш, «Бобурнома»нинг жаҳоншумул энциклопедик асар эканлиги, Бобурнинг буюк шоирлигини кўрсатиш, ижоднинг фикр, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларини ривожлантиришдаги ҳиссаси, илм-фан ва

маданият ҳоимиси сифатидаги фаолиятини чуқур очиб бериш, шу билан бир қаторда истиқлол тўғрисида Бобур сиймоси уқулгани, унинг бебаҳо мероси ҳаққоний ўрганилаётгани ҳақида кенг жамоатчиликни таништиришдек қатта бир вазифани бажарди.

Тадбирда республикамиздаги олий ўқув юртлири ўзбек филологияси ва тарих йўналишини профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ЎзРФА Тил ва адабиёт институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ходимлари, мутахассислари иштирок этдилар.

Илмий конференция ишида Германия, Венгрия, Озарбойжон, Туркия, Миср, Эрон, Покистон, Арабистон, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон давлатларидан келган бобуршунослар олимлар иштирок этиши янада фахрли бўлди. Айнан шу кунларда нашрдан чиққан аллома тарихчи бобомиз Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асари конференция иштирокчиларига совға сифатида тарқатилгани ҳам миллийлигимиз тарғиботининг бир кўриниши бўлди.

Бобур халқаро жамоат фондининг яна бир хайрли иши бу — «Бобур энциклопедияси»нинг яратилиши, десак тўғри бўлади. Ушбу қомус 2014 йилнинг биринчи чорагида нашрдан чиқарилиши режалаштирилган.

**Рустамжон МАМАСОЛИЕВ, Бобур номли халқаро жамоат фонди раис ўринбосари, Замира РЎЗИЕВА, фонд раёсати аъзоси**


# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Барча юртдошларимизни  
табиат қудрати, бардамлик,  
бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан самимий қутлайди.*



*Янги кун шодиёналари ҳаётимизга фаровонлик,  
хонадонимизга файзу барака келтирсин.*



### ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



Табиатнинг беназир неъматлари бўлиши арпа таркибида 15 фоизгача оқсил, 3,5 % ёғ, 75 % углевод, шунингдек, гелицеллюлоза клетчаткасидан тортиб пектин моддасигача бор.



Арпа дони В, С ҳамда Е витаминлари, каротин, шунингдек, макро ва микроэлементларга ниҳоятда бой. Унинг унidan тайёрланган қайнатма яллиғлиқларни даволабгина қолмай, танага қувват берувчи восита ҳамдир. Ўткир меъда-ичак касалликларидан оғриган беморларга арпа дони ёки йирик қилиб тортилган арпа унidan тайёрланган шилимшиқ таъмига эга қайнатмадан фойдаланиши йўқ. Тиб илмининг асосчиси Ибн Синонинг фикрига кўра, арпа организмни тозалайди, кўкрак оғриғига даво бўлади. Аънавий таъбиатда арпа парҳез таомлар таркибидан муқим жой эгаллаган асосий масалликлар сирасига кирилади. Арпада одам танасига сингмайдиغان клетчаткалар кўп. Шу боис ортиқча вазн муаммосидан қийнаётганлар таомномасида арпа унidan тайёрланган қайнатманинг бўлиши шарт. Бундан ташқари, арпа уни ва ёрмасидан тайёрланган таомлар гастрит, атеросклероз, гипертония, қандли диабетдан азият чекувчи инсонларнинг дардига ҳам малҳам бўлиши муқаррар.

### БИЛАСИЗМИ?

Ёмғирнинг ҳиди бўлмайди. Унинг хушбўй ҳиди деб биладиганимиз, аслида актино ва цианобактерияларнинг ишлаб чиқарилиши натижасида келиб чиқадиган геосмин моддасидир.

Дартс ўйини ёмғир сабабли пайдо бўлган. Бир пайтлар камончилар мусобақа давомида ёмғирда қолиб кетишди. Камончилар қармоқча бориб, кичик найзаларни деворда осиглиқ турган нишонга қараб ота бошлашди ва шу тариқа дартс ўйини кашф қилинади.

### ТУРФА ОЛАМ

## Чақалоқ нега кулади?

БИРКБЕК УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ҒУДАК КУЛГИСИНИНГ СИРИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА СЎРОВ ЎТҚАЗДИ.

Дунёнинг 25 мамлакатидан таклиф этилган 1400 нафар ота-она иштирокида ўтказилган сўров кутилмаган натижаларни берган. Сўралган ота-оналарнинг аксарияти кулиш орқали эмизикли бола ички кечинмаларини ифодалайди, деган фикрни билдирган. Яъни, Ғудак ўзини тинч ва беҳавотир сезгандагина кулиши, аксинча, норозилик, кўрқув ва очлик туғайли йилгаси мумкин экан. Қизиғи шундаки, Ғудакларнинг 90 фоизи ҳаётининг дастлабки ойларидан оқула бошлайди. Инглиз олимларининг фикрича, фақат 20 % чақалоқна туғилган заҳоти ота-онасига хурсандчилик улаша олади. Қолаверса, ўғил болалар кизларга нисбатан ўз хурсандчилигини кўпроқ намоиш этаркан. Шунга кўра ўғил болалар бир суткада 50, кизлар бор-йўғи 37 мартаба кулиши кузатилади.

## Катталар қўйилмайди

САНДА ШАҲРИДА (ХЕГО, ЯПОНИЯ) КАТТАЛАРНИНГ КИРИШИ ТАҚИҚЛАНГАН ҚАНДОЛАТ ФАБРИКАСИ ОЧИЛДИ.



Ширинликлар фабрикасига 6-синфгача бўлган болаларгина қўйилади. Уларни кузатиб келган ота-оналар эса фойеда қолишга мажбур. Қандалот фабрикасида болалар кизикли маълумотларга эга бўлиш баробарида ширинликлардан ҳам тановул қилишлари мумкин. Бу ердаги ҳар бир нарса болалар учун мўлжалланган. Улар ширинликлар тайёрлаш жараёни билан бевосита танишиш имконига эга. Қолаверса, бино бўйлаб таниқли мультқаҳрамон ва роботларнинг сайр қилиб юриши болаларга битмас-туганмас қувонч бағишлайди шубҳасиз. Мухими, болалар икки соатлик экскурсиядан сўнг уйларида бир олам таассурот билан қайтишлари аниқ. Фойеда фарзандини кутиб турган ота-онанинг эса ичи қизийди. Ичкарида нималар бўлганини билиш мақсадида боласининг ҳикоясини жон қулоғи билан тинглашга ҳаракат қилади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

(Газетанинг навбатдаги сони 9 апрель, чоршанба кўни чиқади.)

### Маданият хабарлари

#### Байрам давом этмоқда

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий, "Сўғдиёна", "Ёшлик" маданият ва истироҳат боғларида "Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!" шиори остида театрлаштирилган концерт дастурлари бўлиб ўтди.

Мазкур концерт дастурларида Самарқанд шаҳридаги Х.Олимжон, А.Жўраев номидаги театр жамоалари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг Самарқанд вилоят бўлими хонандалари, вилоят академик ва халқ бадиий жамоасининг созандаю раққосалари энг сара куй-қўшиқлари, рақс ҳамда спектакллари билан иштирок этишди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артистлари Мардон Мавлонов, Абдурашид Эргашов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ваҳобиддин Баҳриев, Эркин Қайтаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Фурқат Мирзаевларнинг чиқиши томошабинларга манзур бўлди.

Ғўзалхон РАҲМОНОВА

### Маданий меросимиз намоиши

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида аънава мувофиқ баҳорий айёмларга бағишланган Ўзбекистон кулполчилиги кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада Фурумсарой, Денов, Шаҳрисабз, Риштон, Хоразм, Ҳўрт, Тошкент, Андижон, Ғиждувон, Кўқон ва бошқа марказларнинг 200 дан ортиқ ноёб кулполчилик намуналари намоиш этилмоқда. Ҳар бир марказ — бу атоқли кулол усталар жамоасидир. Уларнинг айримлари туркираб гуллаган бир даврда йўқликка маҳкум этилди. Мазкур кўргазма ана шундай ноёб бадиий аънаваларни тиклашни мақсад қилган. Таъкидлаш жоизки, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг хунармандчиликка алоҳида эътибор қаратилди. Натижада йўқолиш арафасида турган кулполчилик аънавалари ҳам қайта тикланди. Қувонарлики, аънавий ўзбек кулполчилиги замонавий керамика аънавалари билан ўзаро уйғунлиқда ривожланиб бормоқда.

### Фотосуратларда ҳаёт акси

Тошкент Фотосуратлар уйида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расмоллик ва дизайн институти талабаларининг ижод намуналаридан иборат фотокўргазма очилди.

Экспозицияга қўйилган фотосуратларда юртимиз табиатининг ғўзал манзаралари, психологик портретлар, бегубор болалик, лирика, йил фасллари акс эттирилган бўлиб, уни 8 нафар муаллиф институтда ўқиш жараёнида бажарган. Уларнинг кўпчилиги учун бу илк кўргазма ҳисобланса-да, фоторассом сифатида танилиб улгурганлари ҳам бор. Ана шундай талабалардан бири Наврўз Ибрагимов бўлади. У "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган "МТ.ЎЗ-2013" республика фототанловида 1-ўринни эгаллади. Қатор кўргазма ва танловларда Бобур Олимжўраев, Дилсўз Баҳридинаева, Сардор Рашидовлар ҳам фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

### Сана

## Юз билан юзлашган театр

инсонлар қалбига зиё улашмоқда



Бугун юртимизда 37 та театр фаолият кўрсатмоқда. Улар сахна санъатининг барча илгор йўналишларини қамраб олган. Роппа-роса бир асрни қаршилаган Ўзбек Миллий академик драма театри халқимиз маданий ҳаёти, турмуш тарзи ва маънавий камолотида ўзига хос ўринга эга.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори соҳа вакиллари, театр ижодкорлари, маданий-маърифий фаолият билан шуғулланган барча зиёлилар томонидан мамнуният билан қутиб олинди. Бу қарор, аввало, театр санъатининг жамият ҳаётидаги ўрни, маънавий янгилаш ва ўзгаришларга қўшаётган ҳиссаси, ёш авлод камолотидаги бекиёс ҳиссасининг яна бир эътирофидир. Бу эса ўз навбатида театр аҳлининг илҳомига илҳом, ғайратига ғайрат қўшиб, янги марралар сари давват этмоқда.

— Миллий театр — мамлакатимизнинг бош, пешқадам театри, ўз номига мувофиқ, ардоқланадиган, миллий туйғу ва истакларни ифода этадиган даргоҳ, — дейди театр директори Маҳмуд ИСМОИЛОВ. — Одамларимизнинг ўй-хаёли, характери, дунёқараши ва маданиятини камол топтиришга хизмат қилувчи сахна асарларини яратиш ўзбек театр санъатининг асосий вазифасидир. Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш ниятида фаолият юритиб келаятган ўзбек театрлари, айниқса, мустақиллик шарофати билан буткул янги даврга қадам қўйди. Инчунун, бу кулғу байрам республикамизда фаолият кўрсатаётган барча театр жамоаларининг ҳам байрамидир. Зеро, миллий театрга тамал тоши қўйилган кун, том маънода, ўзбек миллий театрига асос солинган кун ҳамдир.

— Қарорда Миллий театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессорлар фаолият юритаётган барча театрлар учун ижод мактаби бўлибгина қолмай, буткул янгигина қиёфа касб этди. Юртбошимиз 2001 йилнинг 30 августидан Миллий театр янги биносининг очилишида иштирок этиб, маъруза қилди. Унга "Ўзбек Миллий академик драма театри" мақоми берилди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2010 йилда "Бухоро маданий маркази" мажмуида вилоят муҳлиси драма театри очилишида билдирган фикрлари эса ўзбек театр санъати ривожига янги босқични бошлаб берди. Айниқса, глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий етуқ, жисмонан баркамол бўлиб улғайишларида муҳим маънавий восита ролини ўташ, томошабинлар савияси ва маданиятини юксалтиришда давлатимиз раҳбарининг Бухоро театр санъаткорлари билан учрашувда айтган фикрлари ёшлар қалбини ёт гоълардан асрашга йўналтирилганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

Бугун интернет ёҳуд телевидор воситасида бутун дунёни кузатиб бораётган томошабин ҳайратини қозонган осон иш эмас. Зийрак томошабин спектаклдан янги мавзу, фикр ва ижро маҳоратини кутади. Масалан, театрининг одам савдоси ҳақидаги спектаклида нафақат мавзу кўламини, балки ҳар бир эпизод ва сўз ҳаётий ёҳуд маънавийлигимизга мос бўлмас экан, томошабин уни қабул қила олмайди. "Оммавий маданият" таҳдиди кескинлашиб бораётган ҳозирги вақтда сахна асарларининг миллий асосларга таянган ҳолда ишланиши ёшлар маънавиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

— Ҳар бир одам сахнадан, умуман, бадиий ижод намунасида ўзига керакли маънавий озуқа, ибрат ёҳуд идеалига мос

лаштирилди. Истиклол йиллари келиб, миллий театримиз юртимизда фаолият юритаётган барча театрлар учун ижод мактаби бўлибгина қолмай, буткул янгигина қиёфа касб этди. Юртбошимиз 2001 йилнинг 30 августидан Миллий театр янги биносининг очилишида иштирок этиб, маъруза қилди. Унга "Ўзбек Миллий академик драма театри" мақоми берилди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2010 йилда "Бухоро маданий маркази" мажмуида вилоят муҳлиси драма театри очилишида билдирган фикрлари эса ўзбек театр санъати ривожига янги босқични бошлаб берди. Айниқса, глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий етуқ, жисмонан баркамол бўлиб улғайишларида муҳим маънавий восита ролини ўташ, томошабинлар савияси ва маданиятини юксалтиришда давлатимиз раҳбарининг Бухоро театр санъаткорлари билан учрашувда айтган фикрлари ёшлар қалбини ёт гоълардан асрашга йўналтирилганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

Бугун интернет ёҳуд телевидор воситасида бутун дунёни кузатиб бораётган томошабин ҳайратини қозонган осон иш эмас. Зийрак томошабин спектаклдан янги мавзу, фикр ва ижро маҳоратини кутади. Масалан, театрининг одам савдоси ҳақидаги спектаклида нафақат мавзу кўламини, балки ҳар бир эпизод ва сўз ҳаётий ёҳуд маънавийлигимизга мос бўлмас экан, томошабин уни қабул қила олмайди. "Оммавий маданият" таҳдиди кескинлашиб бораётган ҳозирги вақтда сахна асарларининг миллий асосларга таянган ҳолда ишланиши ёшлар маънавиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

— Ҳар бир одам сахнадан, умуман, бадиий ижод намунасида ўзига керакли маънавий озуқа, ибрат ёҳуд идеалига мос

### Халқ ижодиёти

## Миллий туйғулар тараннуми

Наврўз шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика халқ ижодиёти маданий ва маърифий ишлар илмий-методик маркази жамоаси ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, вилоятлардаги ҳамкорлар билан бирга болаларнинг ўнлаб миллий ўйинлари қайта тикланди ва замонавийлаштирилди.

— Халқимизнинг ижоди битмас-туганмас бойлиқдир. Унинг ёрдамида фарзандларимизни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш мумкин, — дейди марказ раҳбарининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров. — Айни пайтда марказимиз болалар билан ишлашда самарали усулларни қўллаб келмоқда. Бу йилдан бошлаб болалар фольклор жамоалари ўртасида «Кўҳна замин оҳанглари» республика телефестивали ўтказилади. Телефестивалнинг дастлабки сонлари Сурхондарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида фаолият кўрсатаётган жамоалар иштирокида суратга олинди. Бундан ташқари, болалар ўйинлари, халқимизнинг бой маънавий меросига катта эътибор қаратилмоқда. Эскиларини тиклаш, йўқолиб ке-

тиш арафасида турганларини замонавийлаштириш асосий мақсадимиздир.

Сўхбатдошимизнинг таъкидлашича, йил бошидан бошланган бу каби хайрли ишларга шоир муסיқашунослар, ёзувчи бастакорларимиз ҳам кенг жалб қилинган. Қолаверса, республикамиз вилоятлари бўйлаб йўлга тушган тарғибот-ташвиқот поездлари болаларга методик ва маънавий ёрдам бермоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад болаларда ижрочилик маҳоратини шакллантириш, халқимизнинг асрлар оша қўйлаб келинган куй-қўшиқлари ва лапарлари оҳорини кетказмасдан қайта тиклашдир.

Фарзандларимизга қаратилаётган эътибор келажакка эътибор демакдир. Шундай экан, келажакимиз давомчилирини тарбиялашда миллий аънава ва қадриятларимизнинг ўрни бекиёс. Фақат улардан унумли фойдаланиш лозим бўлади.

Пардабой ТОҶИБОВЕВ,  
"Milliy tiklanish" муҳбири

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Фахржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Аҳтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмаил ХУДОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 327, Адади — 13854. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. **Навбатчи муҳаррир:** Мухтарома КОМИЛОВА **Навбатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА **Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru **Босишга топшириш вақти** — 21.30. **Топширилди** — 22.50. **ISSN 2010-7714**